



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 8 АВГУСТ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 155 (12.716)

Баҳоси эркин нарҳда

23
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Танловлар

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

Шаҳримиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик байрами арафасида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи кўтаринки руҳда ва юқори савияда бўлиб ўтди.



Тадбирда сўз олган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Жовдат Иноғомов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда маҳалланинг нуфузини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг маҳаллада ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш бораси-

даги ўрни ва таъсири бекиёслига тўхталиб ўтди. Шунингдек аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, «Кучли давлатдан» кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг ҳаётдаги амалий ифодасини қарор топтиришда маҳалла муҳим аҳамият касб этаётгани ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда пойтахтимизда 475

та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар ўртасида ўтказилаётган турли кўрик-танловлар маҳалла фаоллари ва аҳолисининг ўзаро илгор тажрибалар ва фикр алмашишларига имконият яратмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигини муносиб нишонлаш, маҳаллаларда миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фуқаролар йиғинларини комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш, соҳага оид иш тажрибасини пухта таҳлил этиш ҳамда оммалаштириш каби бир қатор хайрли мақсадлар қўзланган ушбу танловнинг йилдан-йилга нуфузи, моҳияти ошиб бормоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси Омила Арипова.

(Давоми 2-бетда)

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 3 июлда қабул қилинган «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 15 июлдаги «Зарар кўриб ишлаган ва иқтисодий ночор, паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада оптимизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган мақсад ва вазифаларга бағишланди.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С.Гафоров ва бошқалар хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ҳамда хусусий мулк ролини ошириш

бугунги кунда иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили эканини таъкидлади. Бу жараёнда мамлакатимизда амалда қўлланилаётган давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга соладиган самарали меъёрий-ҳуқуқий база алоҳида ўрин тутди.

Давлат мулкидан фойдаланиш самардорлигини оширишга қаратилган янги ҳужжатлар бунга ёрқин мисолдир. Масалан, Президентимизнинг «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг қўллаб-қувватлашда кичик саноат зоналарини ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу мақсадлар учун 57 ер участкаси ажратилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 7 август кунини Ўзбекистон ва Япония ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, нефть-газ, сайёҳлик, автотомобилсозлик, кончилик, геология, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маркетинг, сугурта, экспорт-импорт, алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Элёр Фаниев Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий жабҳада изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг февраль ойида Японияга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқди.

Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидан. Мамлакатимиз учун Осиё-Тинч океани давлатлари билан алоқаларни кенгайтиришда Япония билан муносабатларни ривожлантириш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот ўзаро муносабатларнинг изчил ривожланишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, бизнес юритиш учун яратилган кенг имконият ва имтиёзлар, преференциялар ҳамда юртимизда ҳужм сураётган тинчлик ва оқойишталлик чет эллик бизнесменларнинг, жумладан, япониялик ишбилармонларнинг мамлакатимиз билан фаол ҳамкорлик қилишга қизиқишини тобора оширмоқда.

Ўзбекистон ва Япониянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. 2013 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 215 миллион АҚШ долларидан ошди. Япония томонидан Ўзбекистонга қиритилган молиявий-техникавий воситаларнинг умумий ҳажми 2 миллиард доллардан зиёд-дир.

Ўзбекистонда Япония сармояси иштирокида тузилган ўн икки қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машина-созлик, металл қайта ишлаш, транспорт, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, енгил саноат ва савдо операциялари каби соҳаларга иқтисослаштирилган. Юртимизда ушбу мамлакатнинг ўн бир етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда япониялик ишбилармонлар Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, нефть-газ, кимё саноати, электр техникаси, ахборот-коммуникация технологиялари каби соҳалардаги ҳамкорлик имкониятлари билан танишди. Меҳмонларга мамлакатимизга сармоя жалб қилишнинг истикболли йўналишлари, бизнес юритиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш омиллари, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги қўлайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди.

Япония Ўзбекистон билан кенг қўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди, — деди Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон қўмитаси раиси, «Марубени» корпорацияси раисининг ўринбосари Мамору Секияма. — Чунки Ўзбекистон тез ривожланаётган ва иқтисодиёти барқарор давлат. Кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан кам бўлмай келаётгани диққатга сазовор. Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тобора ўсиб бормоқда. Мамлакатларимиз ушбу юрсаткичларни янада ошириш борасида катта салоҳиятга эга. Мазкур форум ўзаро иқтисодий ҳамкорлигимизнинг янги қирраларини кашф этиш, фойдали келишувларга эришиш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бизнес-форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиги, жумладан, транспорт, банк сектори, ахборот-коммуникация технологиялари, сайёҳлик, озиқ-овқат, енгил саноат, тўқимачилик ва ёқил-энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Анжуманда Япониянинг йирик компаниялари вакиллари иштирок этгани ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги ривожлантиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир. «Марубени», «Иточ», «Мицубиси», «ЖОГМЕК», «НЭК», «Тойо Инжиринг», «Соджик», «Сумитомо» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридagi ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканини қайта этди.

Шу кунини Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Япония ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бир қатор товарларни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Япония делегацияси ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги «Ўзинфиноест» агентлиги ҳамда Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ўртасида меморандум имзоланди.

Ирода УМАРОВА,
Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбирлари



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, вилоят ҳокимлиги, вилоят адлия ва солиқ бошқармалари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Божхона кодекси» лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилаётган «Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти» республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

● «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичида ўн тўртта фуқаролар йиғини вакиллари ўзаро баҳслашди.

● Фаллаорол туманидаги «Ўткир-Бунёд» хусусий корхонасида металлдан қурилиш ашёлари ва ранг-баранг уй-рўзгор буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳанинг ҳаётга таътиб қилиниши билан «Алам-ли» маҳалласининг 10 нафарга яқин ёшлари иш билан таъминланди.

● Наманганда «Соғлом оила» шиори остида ўтказилаётган оилавий спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур мусобақада ота-она, ўн икки ёшгача бўлган бир ўғил ва бир қиздан иборат йигирма олти оила иштирок этди.

● Андижонда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишда иш берувчилар олдидаги вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Метеорологларнинг маълумотларига кўра, «Хавон» тўфони Япониянинг жанубий Окинава музофотида яқинлашмоқда. Тўфон шимолий-ғарб томон жуда секин ҳаракатланмоқда ва Япония ҳудудининг катта қисми устидан кейинги уч кун давомида ўтади.

● Кеча Ироқ шимолида жойлашган Киркук шаҳрида террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Яъни, уюштирилган иккита портлаш натижасида камида тўққиз киши ҳаётдан қўз юмди.

● Франциянинг Сен-Жан-ле-До-Жумо маъмурий ҳудудида енгил моторли сайёҳлик самолётининг кулаб тушиши натижасида икки киши ҳалок бўлди. Самолёт бортидаги уч нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Ҳалокат сабаблари ҳозирча маълум эмас.

● Ҳиндистоннинг Махараштра штатида тинимсиз ёмғир ёғиши оқибатида содир бўлган кўчи туфайли ҳалок бўлганлар сони 109 кишига етди. Маҳаллий экспертларнинг таъкидлашича, яна эллик нафардан ортиқ инсоннинг ҳаёти хавф остида. Уларнинг кулаб тушган уйлар остида, вайронлар тагида қолганлиги айтилмоқда.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ БУГУН Ҳамза туман «Баркамол авлод» болалар марка-

зида Мирзо Улуғбек, Умид, Маҳмур маҳаллалари аҳолиси иштирокида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ БУГУН Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон сугурта бозорини ривожлантириш тўғрисида» мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ ЭРТАГА Республика Болалар кутубхонасида мактаб ўқув қуроли, дарсликлар, адабиётлар, болалар кийим-кечаклари ҳамда пойабзаллар кўргазмаси ташкил этилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби сайлов тизими ва жараёнини демократлаштиришга оид муҳим ислохотлар ўтказилди. Сайловларни демократик тарзда ташкил этиш ва ўтказишнинг қонунчилик ва ташкилий-тузилмавий асослари яратилди.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, демократик сайлов тизими ва халқаро меъёрларга мос келадиган миллий сайлов қонунчилигини шакллантириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Асосийси, сайловларни очик ва ошқора ўтказиш, бу жараёнга халқаро ва сиёсий партиялар кузатувчиларини фаол жалб этиш, сайлов жараёнига оид барча тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали ҳолис ёритиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизда «Сайловларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида ўтказилган давра суҳбатига ҳам шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси томонидан Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сайлов йўналиши бўйича тажрибали экспертлар, марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари ва матбуот хизмати ходимлари катнашди.

Давра суҳбатини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад сайлов жараёнини ёритишда ОАВлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот бериш, бу жараёнда журналистларнинг эътибор қаратиши лозим бўлган мезонларни муҳофама қилиш ва уларнинг сайловларга тайёргарлигини кучайтиришдан иборатдир.

Тадбирда сўзга чиққан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси раҳбари Дониёр Аюпов, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Низомидин Нурматов ва бошқалар Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнидаги фаолияти бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилгани, сайлов жараёнини тизимли ёритишда, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотлари-

ни амалга оширишда ОАВларининг ўрни бекиёлигини таъкидлаб ўтишди.

Ўзбекистонда сайлов жараёнини ёритиш борасида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқлари ва улар томонидан амал қилинадиган қоидалар «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида», «Ўзбе-

САЙЛОВЛАРНИ ЁРИТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

кистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайлов тўғрисида»-ги қонунларда ўз аксини топган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнини ёритиш борасидаги фаолияти тартиби белгиланган меъёрий ҳужжатларни ҳам айтиб ўтиш керак.

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Низомидин Нурматовнинг «Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари томонидан сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар учун тенг шароитларни таъминлаш масалалари» ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Шукрат Якубовнинг «Сайловларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг иштироки: ҳуқуқий асослар, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусларидаги маърузалари тингланди. Йиғилганлар юртимизда ўтган сайлов кампаниясининг ОАВда ёритилиши бўйича статистик мониторинг натижалари билан таништирилди.

— Жорий йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказиладиган сай-

ловлар ва унга тайёргарлик жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва вазифалари бекиёли, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Шукрат Якубов. — Умуман, сайлов жараёнини ОАВсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис ОАВ билан ҳамкорликда сайлов кампанияси ва сайлов жараёнининг боришини ёритиш бўйича тегишли ишларни амалга оширишимиз зарур. Айниқса, маҳаллий телерадиоканаллар ва газеталарнинг сайлов жараёнини ёритишдаги фаоллигини ошириш учун сиёсий партиялар билан ҳамкорлиқни кучайтириш ниятда муҳим. Бундан ташқари вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари, шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари фаолиятини атрофлича ёритиш, бўлиб ўтаётган жараёнлардан аҳолини хабардор қилиб бориш, шу орқали одамларнинг сайловларга нисбатан қизиқишини янада ошириш алоҳида эътибор талаб қиладиган масалалар.

Тадбир давомида сайлов жараёнини ҳолис ва ҳар томонлама мукаммал ёритишда оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокини таъминлаш ва мазкур йўналишда уларнинг тайёргарлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари томонидан ажратиладиган эфир вақти ва нашр ҳажми, сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг фаолиятини ёритишнинг асосий жиҳатлари, сайлов жараёнини ёритишда ОАВлари фаолиятига оид ижобий қўрсаткичлар, қамчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар, мазкур йўналишда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ва уларни миллий амалиётга жорий этиш масалалари муҳофама қилинди.

Давра суҳбатига иштирок этганлар сайлов жараёнида оммавий ахборот воситалари фаолигини ошириш, аҳолига сайлов жараёнларининг бутун тафсилотларини ҳолис ва ҳақоний етказиш бўйича уларнинг фикрларини билдириб ўтдилар. Шунингдек, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шароитлар яратиш, сайлов жараёнини ёритиш билан боғлиқ ишлар самардорлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир сайловларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишига доир қизғин муҳокамалар, савол-жавоблар билан ўтди. Журналистлар сайлов жараёнини ёритиш бўйича уларни қизиқтирган барча саволларга соҳа мутахассислари томонидан тўлиқ жавоблар олдилар.

Зиёда РАСУЛОВА,
Нозима МАҲКАМОВА

Кейинги пайтларда шахримизда йўловчи транспорти тармоғини янада ривожлантириш ва аҳолига қулайликлар яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрдаги «Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари бу борада дастуруламал вазифасини ўтамоқда.

Қарор ва ижро ЯГОНА МАЖМУА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Ушбу қарорларда йўловчи ташиш билан шугулланётган корхона ва ташкилотлар мутасаддиларига тизимни янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгиланган берилган.

Юқорида қайд этилган қарорлар ижросини таъминлаш йўлида яқинда «Тошкент трамвай» унитар корхонаси тузилди. У «2-трамвай депоси», «3-сон трамвай-троллейбус депоси», «Тош-татра-сервис техник маркази», «Йўл хизмати» ва «Шаҳар электр транспортлари»га хизмат кўрсатиш шўъбаси» корхоналарининг қўшилиши ҳисобига ягона мажмуа шаклида ташкил этилди.

— Корхонамиз олдида қўйилган асосий вазифа аҳолига хизмат кўрсатиш борасида трамвайларнинг барқарор ва хавфсиз фаолиятини таъминлашдир, — дейди «Тошкент трамвай» унитар корхонаси директори Шавкат Сулаймонов. — Биз шунингдек, барча трамвай йўллари, асбоб-ускуна ва қурилмаларининг фойдаланишига яроқли бўлишини таъминлаб борамиз.

Белгиланган меъёрларга мувофиқ корхонамиз мутахассислари ҳаракатдаги таркибининг техника хавфсизлиги ва бехушхот фаолият кўрсатишини кузатиб борадилар. Контакт тармоқлари бир меъёрга сақлаш ва улардан фойдаланиш, корхоналарни махсус автотранспорт ва механизмлар билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу экологик жиҳатдан безарар транспорт воситасидан фойдаланувчи ҳаммаҳарамларимиз Мустақиллик йилларида шаҳар трамвай паркиннинг янги ва ҳар

томонлама қулай вагонлар билан таъминланганини билдирилди. Бугунги кунда шаҳарда «Vario LF», «Tatra-3M» ва бошқа трамвай моделларидан иборат 91 та ҳаракат таркиби мавжуд. Улар 6 та трамвай йўналиши бўйича йўловчиларнинг манзилларига етказилишини таъминлайди. Ҳар кунда 50 мингга йўловчи хизмат кўрсатишмоқда.

Унитар корхона барча ишчи-ҳодимлари томонидан ўз вазифаларининг вақтида бажарилиши ишда яхши қўрсаткичларга эришиш имконини бермоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 7,7 миллион йўловчи манзилларига бехатар етказилди. Натижада 4,5 миллиард сўмлик фойда олindi.

Бундай натижаларга турли мутахассисларга эга, деярли 900 кишилик катта жамоани сый-ҳаракатлари эвазига эришилмоқда. 140 нафар трамвай хайдовчилари, 118 нафар чипта сотувчилари, 112 нафар таъмирловчи ишчилар шулар жумласига қиради. Бундан ташқари, трамвай йўллари ва контакт линияларининг ишга яроқли ҳолатда сақланиши йўлида электр таъмирловчи ишчилар фаолият олиб борадилар. Бугунги кунда унитар корхонани молиявий-экологик жиҳатдан такомиллаштириш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш кўзда туғувчи «Йўл хизмати» ишлаб чиқилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, «Тошкент трамвай» УК маъмурияти ва барча хизматлари ходимлари ўз олдиларидаги барча вазифаларни бажаришга чўқур масъулият билан ёндашмоқдалар. Зеро, йўловчиларнинг ишанча ва бехатар тарзда манзилларига етказилиши уларнинг сый-ҳаракатларига боғлиқ.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаб ўтиш керакки, танловнинг шаҳар босқичида туманда ғолиб бўлган 11 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари иштирок этиб, бор билим ва маҳоратларини учта шарт бўйича беллашиб намоён эдилар. Тадбир давомида қатнашчиларнинг иш фаолиятига оид фотоальбомлар, плакат ва стендлар ҳамда ҳунармандчилик кўргазмаси ҳам намоён этилди.

Танлов иштирокчилари ўз вазифаларини тизимли амалга ошириш, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси, оилаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, «Обод турмуш» соғлом она — соғлом бола», «Мустаҳкам оила» тоғси асосида амалга оширилаётган ишлар бўйича ўзаро тажриба алмашдилар.

Нихоят танловнинг ҳаяжонли дамлари яқинлашиб, берилган савол-жавобларга тўғри ва лўнда жавоб берган, ишининг мазмун-моҳиятини теран англаб, бошқаларга ҳам етказиб бера олган иштирокчилар муносиб ўринларни эгалладилар. Бинобарин, биринчи ўрин Шайхонтохур туманидаги «Шофайди» маҳалла фуқаролар йиғинига насиб этди. Энди ушбу маҳалла танловнинг республика босқичида ишти-

рок этиб пойтахт маҳаллалари шарафини муносиб ҳимоя қилади. Иккинчи ўрин соҳиби бўлган Учтепа туманидаги Абдулла Кодирий ҳамда учинчи ўринга муносиб деб топилган Яккасарой туманидаги «Бошлиқ» маҳаллалари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, бир қатор номинациялар бўйича илғор деб топилган маҳаллаларга ҳам эсдалик совғалари топширилди.

— Ушбу танловга бутун маҳалламиз фаоллари, комиссиялар аъзолари, бир сўз билан айтганда, бутун аҳолимиз билан йил давомида астойдил тайёрланган эдик, — дейди биринчи ўрин соҳиби, «Шофайди» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Шамсуддинов. — Мана, тинимсиз ҳаракат, ишчи яхши йўлга қўйиш, аҳоли билан ҳамжихатликда иш олиб бориш ўз натижасини берди. Ният қиламизки, ҳал қилувчи босқичда ҳам муносиб иштирок этиб, бизга билдирилган ишончни оқлаймиз.

Тадбир давомида эл ардоғидаги санъаткорларнинг чиқишлари танловга байрамоҳна шуқуқ бағишладди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: кўрик-танловнинг шаҳар босқичидан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

Бугунги кунда мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш долзарб вазифалар сирасига қиради.

Анжуманлар

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМДОНЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси томонидан Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси Адлия бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши билан ҳамкорликда «Аёлларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини кучайтириш» мавзусида ўтказилган семинар ҳам айнан юқоридаги мавзу доирасида ташкил этилди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдурахимова, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси раҳбари ўринбосари Р. Саидов ва бошқалар мустақил институтида Юрбощимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ҳамда қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш — бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлиги, бунинг учун юртимизда етарли шарт-шароитлар яратилганини таъкидлаб ўтдилар.

Жумладан, 2009 йилги парламент сайловларида депутатликка номзодлар умумий сонининг 32 фоизини аёллар ташкил этиб, 33 нафар аёл депутат этиб сайланган. Улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлик корпусининг 22 фоизини ташкил қилади. Бугунги кунда сиёсий партиялар умумий аъзоларининг 45 фоизи ҳам аёллардан иборатдир. Шу билан бирга кичик бизнес субъектлари 40 фоизининг раҳбарлари ҳам аёллардир. Айни вақтда мамлакатимизда 7.866 та ННТлар мавжуд бўлиб, улардан 361 таси ўз фаолиятини турли йўналишларда олиб борувчи аёллар ННТлари ҳисобланади.

Тадбир давомида иштирокчилар «Оила муносабатларида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари», «Жойларда аёлларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқининг рўёбга чиқиши», «Аёллар меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалалари» каби бир қатор мавзуларда аёлларнинг оила, меҳнат муносабатлари, соғлиқни сақлаш, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фаолият соҳаларидаги ҳуқуқларига оид қизиқарли маърузаларни тингладилар ва бу борада уларни қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, аёллар ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга манзилли кўмак бериш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ННТларнинг салоҳиятини кучайтириш, тадбир иштирокчиларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги касбий маҳоратларини шакллантириш, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларнинг ННТлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан самарали ҳамкорлиқни таъминлаш борасидаги фаолиятини янада ривожлантириш каби бир қатор хайрли мақсадлар қўзланган ушбу семинарда ННТ вакиллари билан маҳоратларини янада ошириш мақсадида гуруҳларга бўлинган ҳолда интерактив машғулот ва тақдиротлар ташкил этилди.

Шунингдек, тадбир давомида республикада хотин-қизларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар репродуктив саломатлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани таъкидлаб ўтилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, оналар ва бола-лар соғлигини ҳимоя қилишни таъминлаш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, соғлом авлодни тарбиялаш, она бола скрининги, репродуктив саломатлиқни ҳимоя қилиш борасида мутахассислар малакаси ва аҳолининг билимларини ошириш, тиббий маданиятини яхшилаш бўйича мақсадли дастурлар амалга оширилаётганига эътибор қаратилди. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида она-болани давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими шакллантирилди.

Семинар якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тақдиротлар ташкил этилиб, ҳақоний ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни таъкидлаш керакки, 299 фойдаланилмаётган, қурилиш тугалланмаган ва бўзиб ташланмаган давлат мулки объектларининг рўйхати тасдиқланди ҳамда ошқора савдоларда сотиш учун тақлиф этиладиган 64 бўш турган объект аниқланди. Бундан ташқари, инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва янги иш ўринлари яратиш шартли объект нулини харид қиймати бўйича 120 дан ортиқ объектни хусусий мулкка бериш шартлари ҳам тасдиқланди.

Матбуот анжуманида ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга биноан давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби соддалаштирилгани маълум қилинди. Масалан, давлат активларини нулини харид қиймати бўйича сотишга оид ошқора савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган сандан бошлаб то ушбу савдолар ўтказиладиган санагача бўлган мuddат икки ойдан 30 кунга қисқартирилади. Ошқора савдоларда давлат активларини сотиб олиш учун 6 ой мобайнида талабнома тушмаса, улар қўйилган нархни ойига 10 фоиз босқичма-босқич пасайтириб бориш механизми қўлланган ҳолда сотилади ва бу дастлаб қўйилган нархнинг 50 фоиздан паст бўлмаслиги керак. Давлат активлари дастлаб қўйилган нархнинг 50 фоизига пасайтирилгандан сўнг 3 ой мобайнида ошқора савдоларда сотилмаган ҳолларда, улар нулини харид қиймати бўйича сотилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Зарар қўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор, паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада оптимизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида 35 давлат объектини, жумладан, тўртта ижтимоий инфратузилма объектини хусусийлаштириш белгиланди. Шу билан бирга, низом жамғармасида давлат улуши бўлган 211 ташкилотнинг ортиқча ишлаб чиқариш майдонини сотиш ва 43 давлат объектини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари бошқарувига ёки тегишли ташкилотларнинг низом жамғармасига топшириш кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида мутахассислар журналистлари қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Тадбирлар

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Айтиш жоизки, жамият тараққиёти ундаги аёл мавқеининг даражаси билан ҳам белгиланади. Аёл миллиятнинг куч-қуввати, ифтихори, яратувчиси. Маънавияти юксак, маърифатли, маданиятли хотин-қизлар гўзаллик, нафосат, эзгулик, зиё, меҳр ва муҳаббат таратувчи, оила ҳамда жамиятда тинчлик ва тараққиёт элчисидир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбир ҳам «Эзгулик элчиларига эҳтиром» деб номланди.

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, босма, электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдурахимова ва бошқалар Юрбощимиз раҳнамолигида фуқаролик жамияти институтининг узвий бўлини бўлган миллий матбуот соҳасини давр руҳига мос тарзда раванқ топшириш, мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, юрдошларимизнинг зарур ахборотларни ҳеч бир қийинчиликсиз олиши учун имкониятлар яратиш, жамият, шахс ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Таъкидлаш жоизки, Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда хотин-қизларга қўрсатилаётган эътибор, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги нуфузини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, қизларнинг ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши учун имконият яратишга доир сый-ҳаракатлари юртимиз ва дунё жамоатчилигига кенг миқёсда етказиш журналистлардан қўли билим, маҳорат, тажриба ва чўқур таҳлили ёндашувлари талаб этмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёлларга оид давлат сиёсатини жамоатчиликка етказиш, қўмита тизимида олиб борилаётган ишларни матбуотда кенг ёритиш мақсадида Ахборот хизмати ташкил этган ва ушбу хизмат ўтган вақт давомида ОАВ билан мустаҳкам ҳамкорлиқни таъминлаб, тизимда ўтказиладиган тадбирларни оммага етказишда алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тизимида ахборот хизмати фаолиятининг самарали йўлга қўйилгани, ушбу жамоат ташкилотининг веб-сайти доимий такомиллаштириб бораётгани, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида dizayoluz порталининг яратилганиги оила, оналик ва болалик мазсуларини ёритаётган журналистларни кенг қамровли янгилик ва маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш имконини бермоқда.

Ўзбек аёлининг бугунги қиёфасини очиб бера олган, хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини ёритишда яқиндан ёрдам берган теле ва радиодастурлар, ахборот агентликлари, газета ва журналлар ҳамда веб-саҳифаларни рағбатлантирувчи «Эзгулик элчиларига эҳтиром» деб номланган тадбирнинг ўтказилиши ҳам аниқнага айланди.

Мазкур тадбирнинг ўтказилишидан қўзланган мақсад, аёлларга оид давлат сиёсатини жамоатчиликка етказиш, қўмита тизимида олиб борилаётган ишларни матбуотда кенг ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ўрнатилган ижтимоий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, турли веб-саҳифалар ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотларнинг ахборот хизматлари билан яқин муносабатларни йўлга қўйиш, шунингдек, тизимда амалга оширилаётган ишларни таҳлилий руҳда кенг ёритишга қўлшадан иборатдир.

Тадбирда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг аҳамияти борасида ҳам сўз юритилди. Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини ёритишда яқиндан ёрдам берган ОАВ вакиллари Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг махсус ташаккурномалари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ЖАҒАТЛИК ТЕЛЕКАНАЛЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Жанубий Америка табияти». Х/ф.
7.25 «Икким».
7.30 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган сови». Х/ф.
8.00 «Тахлилнома».
8.40 «Ер сайёраси». Х/ф.
9.30 «Кўнглик ободлиги».
9.55 «Икким».
10.00 Миллий сериал: «Қисмат битиги».
10.35 «Андерсен эртаклари». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У».
13.25 «Ортим таровати».
13.35 «Икким».
13.40 «Орган - дарё».
14.00 «Муносабат».
14.15 «Хидоят сари».
14.35 Миллий сериал: «Имтиҳон».
15.05 «Хаёт». Х/ф.
15.30 «Икким».
15.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги.
«Ўзбек модели».
16.00 «Заковат».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Эркин фикр».
17.20 «Икким».
17.25 «Агрополам».
17.40 «Аёл ва замон».
18.00 «ТВ-шофокор».
18.05 «Кўнглик қўшиқ истаиди».
18.15 «Корачик».
18.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги.
«Эркин ва обод Ватан». 1-қисм.
18.55 Миллий сериал: «Қисмат битиги».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
